Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**15.12.2022 даги**

**"Давр келажак Янгиер" МЧЖ ва Янгиер шахар ХТБ ўртасида 227000000,00 сўм умумий суммага тузилган 7 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 075
Шахсий ғазна ҳисобварақ 401722860244137092100075022

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4332900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | 227 000 000,00 | | | 227 000 000,00 |
| **Жами йил бўйича** | **227 000 000,00** | | | **227 000 000,00** |

Жами 227000000,00 сўм Икки юз йигирма етти миллион сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 68100000,00 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг ______ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Худойназаров Файзулло
(имзо) Ф.И.Ш.

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Байкулова Мохира Хабибуллаевна
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» _______________ 20___й.

Буюртмачи ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» _______________20___й.

**Пудрат шартномаси**
**№ 7**

**Янгиер ш.** **«15» 12 2022 йил.**

16«12»2022 yil. **390-9-132-XT/2022-son**

Кейинги ўринларда **“Буюртмачи”** деб юритиладиган **Янгиер шаҳар Халқ таълими бўлими** номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Ф.Худойназаров_бир томондан ва кейинги ўринларда **“Пудратчи”** деб юритиладиган **“Давр Келажак Янгиер” МЧЖ** номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Ш.Ярлакапов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**1. Таърифлар**

**1.Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**
**Қурилиш объекти-**мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган объект.

**II. Шартнома мавзуси**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ “Бобур махалласида жойлашган Янгиер шаҳар Халқ таълими бўлимига карашли 9-сонли мактаб худудини темир панжаралар билан ўраш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати**

3. Мазкур шартнома бўйича 227 000 000 ( Икки юз йигирма етти миллион ) *сўмни ташкил этади.*

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофиқ “Ишларни бажариш жадвали”да назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қўриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

5. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачинингмажбуриятлари

6. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, 10 кун давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

7. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

8. Тендер натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

9. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг 30% миқдорида аванс ўтказади, бу 68 100 000 сўмни ташкил этади.

10. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматнинг 100% гача доирасида амалга оширилади.

11. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. Ишларни бажариш

12. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

13. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

14. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

15. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

## IX. Ишларини қўриқлаш

16. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул килиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилишмайдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

17. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

18. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

19. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

20. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

21. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин амалга оширилади.

22. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

23. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан **5**кун олдин мазкур шартноманингV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачигаушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

24. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

25. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;
- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;
- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;
- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда мухандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

26. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

27. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хуқуқига эга.

28. Буюртмачи Пудратчи томонидан сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилган ишлар хажмини инвестордан маблағ ажратилгандан сўнг 3 кун ичида тўлаб беришни кафолатлайди.

**XIII. Шартномани бекор қилиш**

29. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни туғаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчинингайби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

30. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

31. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

32. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

33. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

34. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

**XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

35. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон

Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

36. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг**0.4** % миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг **50** фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

37. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг **0.4** фоизи миқдорида жарима тўлайди.

38. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг **0.5** фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг **50**фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **0.5** фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг **50**фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

39. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг **0.4** фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

40. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

41. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## XV.КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ

43. Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларидаги коррупцияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

44. Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг коррупцияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

## XVI. Низоларни ҳал этиш тартиби

45. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVII. Алоҳида шартлар

46. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

47. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

48. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

50. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

51. Мазкур шартнома Ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради, 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

52. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган **2** нусхадатузилади.

## XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари.

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| **«Янгиер ш.Халқ таълими бўлими»** | **"Давр Келажак Янгиер" МЧЖ** |
| Адрес Янгиер ш А.Навоий кучаси 7 уй | Янгиер ш. |
| Тел.67-350-17-82 | Тел. +99899 472-48-84 |
| Х/р 23402000300100001010 | Х/р 20 20 8000 200 656 953001 |
| ИНН 200328867 МФО 00014 | ИНН 304 240 197 |
| Марказий банк Тошкент ш | ОКОНХ : 41201 |
| ОКОНХ: _____ | МФО:01037 |
| Ш.хр 401722860244137092100075022 | Банк:: ККБ Янгиер ш. |
| Янгиер ш.буйича Ғазначилик бўлинмаси | |
| Рахбар Ф.Худойназаров | Рахбар Ш.Ярлакапов |

| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
|---|---|---|
| | Imzolovchi F.I.SH. | FAYZULLA XUDOYNAZAROV XXX |
| | Imzolangan sana | 16.12.2022 09:27 |
| | Hujjat kodi | **WY6551672121** |
| | Hulosa kodi | **YL2274143531** |

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 204550 на приобретение 9 сонли мактаб худудини темир панжаралар билан ураш

Способ проведения электронный

Дата 12.12.2022

Время рассмотрения 12.12.2022 17:10

Закупочная комиссия Янгиер шахар Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XUDOYNAZAROV FAYZULLA XXX | рахбар | ХТБ |
| **Секретарь комиссии** | TURATOV AZIZBEK XUJAKULOVICH | Секретар комиссии | Секретар комиссии |
| **Член комиссии** | BAYKULOVA MOXIRA XABIBULLAYEVNA | Член комиссии-заместитель председатель комиссии | Член комиссии-заместитель председатель комиссии |
| **Член комиссии** | QO‘ZIBAYEV DJABBAR XXX | Член комиссии | Член комиссии |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV ZAXIDJAN ASATULLAYEVICH | Член комиссии | Член комиссии |
| **Член комиссии** | NURULLAYEV ABROR SAYDULLAYEVICH | Член комиссии | Член комиссии |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 12.12.2022 года № лота 204550.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| | |
|---|---|
| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуга по установке забора и ворот** |
| Подробное описание | Услуга по установке забора и ворот |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 239 341 670.00 |
| Стартовая сумма | 239 341 670.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 корхона рахбарининг курилиш сохасида иш стажи булиши, корхонада олий маълумотли курувчи мутахассислар булиши, барча ходимлар my.mehnat.uz сайтида руйхатдан утиб, фаолият юритаётган булиши лозим

Тип: Текстовое значение

Описание: корхона рахбарининг курилиш сохасида иш стажи булиши, корхонада олий маълумотли курувчи мутахассислар булиши, барча ходимлар my.mehnat.uz сайтида руйхатдан утиб, фаолият юритаётган булиши лозим

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 25 | Маълумотлар такдим этилди | 19 | Экспертная | | |
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 25 | маълумотнома бириктирилди | 15 | Экспертная | | |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |

Критерий №2 машина механизмлари, тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар

Тип: Текстовое значение

Описание: машина механизмлари, тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 25 | Маълумотлар такдим этилди | 20 | Экспертная | | |
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 25 | маълумотнома бириктирилди | 22 | Экспертная | | |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 25 | 25 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №3 Пудратчининг иш тажрибаси (гувохнома) ташкил топган йили (асл нусхаси)

Тип: Текстовое значение

Описание: Пудратчининг иш тажрибаси (гувохнома) ташкил топган йили (асл нусхаси)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 25 | Маълумотлар такдим этилди | 25 | Экспертная | | |
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 25 | маълумотнома бириктирилди | 23 | Экспертная | | |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ижрочининг Узбекистон Республикаси курилиш вазирлигининг махсус электрон порталидаги сохавий курилиш пудрат ташкилотлар рейтингида мавжудлиги ва ишончлилик тоифасининг юкорилиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ижрочининг Узбекистон Республикаси курилиш вазирлигининг махсус электрон порталидаги сохавий

курилиш пудрат ташкилотлар рейтингида мавжудлиги ва ишончлилик тоифасининг юкорилиги

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 25 | Маълумотлар такдим этилди | 23 | Экспертная | | |
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 25 | маълумотнома бириктирилди | 25 | Экспертная | | |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 25 | 25 | 23 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 239 341 670.00 | 237 300 000.00 UZS | 237 300 000.00 | 00.00 | 237 300 000.00 | 07.12.2022 16:15:44 | 9.56595 |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 239 341 670.00 | 227 000 000.00 UZS | 227 000 000.00 | 00.00 | 227 000 000.00 | 09.12.2022 17:29:34 | 10 |
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 239 341 670.00 | 232 161 000.00 UZS | 232 161 000.00 | 00.00 | 232 161 000.00 | 06.12.2022 17:39:04 | 9.7777 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **"UMAR NERUDNIK" xususiy korxonasi** | 76.5 | 9.56595 | 86.06595 |
| **DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ** | 81.9 | 10 | 91.9 |
| **ООО PLANETA-GAMMA** | 78.3 | 9.7777 | 88.0777 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 204550 от 12.12.2022 года на приобретение 9 сонли мактаб худудини темир панжаралар билан ураш определила победителем:

DAVR KELAJAK YANGIYER МАЪСУЛЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
304240197

и резервный исполнитель: ООО PLANETA-GAMMA (302609164)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XUDOYNAZAROV FAYZULLA XXX | Согласен | |
| **Член комиссии** | BAYKULOVA MOXIRA XABIBULLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | QO'ZIBAYEV DJABBAR XXX | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDURAXMONOV ZAXIDJAN ASATULLAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | NURULLAYEV ABROR SAYDULLAYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Янгиер шаҳар ХТБ мудири
Ф. Худойназаров
« 15 » 12. 2022 йил

Янгиер шаҳар Халк таьлими бўлими танлов хайъати

**Б А Ё Н Н О М А С И**

Узбекистон Республикасининг 2021 йил 22-апрелдаги ЎРҚ 684-сонли "Давлат харидлари тўғрисида"ги конунга асосан Янгиер шахар Халк таьлим бўлими тамонидан 2022 йил бюджет маблаглари хисобидан тўғри ва самарали сарф қилиш учун ажратилган маблағни Янгиер шаҳар ҳалқ таълими бўлимига қарашли 9-сонли умумтаълим мактаб худудини темир панжаралар билан ўраш учун ETENDER UZEX.UZ .портали оркали 2022 йил 12. 12 куни танлов эълон қилинган булиб, " ООО PLANETA-GAMMA", " UMAR NERUDNIK" хусусий корхонаси ва "DAVR KELAJAK YANGIYER" МЧЖ лар иштирок этишди ва уларнинг таклифларига асосан темир панжаралар билан ўраш ишларини олиб бориш учун танловга қуйилган талаблар ва бюджет маблағларини самарали ва унумли фойдаланиш юзасида танлов ўтказилди ва қуйдагилар аникланди.

| № | Белгиланган параметрлар номи | Белгиланган параметрлар | ООО PLANETA-GAMMA | | "UMAR NERUDNIK" хусусий корхона | | "DAVR KELAJAK YANGYER" Маъсулияти чекланган жамияти | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Белгиланган бал | Кенгашчилар тамонидан берилган бал | Белгиланган бал | Кенгашчилар тамонидан берилган бал | Белгиланган бал | Кенгашчилар тамонидан берилган бал |
| 1 | Янгиер шахар Халк таьлим булимига қарашли 9-сонли умумтаълим мактаб худудини темир панжаралар билан ўраш учун | Ижрочи Узб.Рес қурилиш вазирлигининг махсус электрон парталида сохавий қурилиш пудрат ташкилоти рейтинги | 25 | 23 | 25 | 25 | 25 | 23 |
| | | Корхона раҳбарининг қурилиш соҳасида иш стажи булиши,корхонада олий маълумотли қурувчи мутахассислар бўлиши,барча ходимлар my.mehnat.uz сайтида руйхатдан утиб,фаолият юритаётган бўлиши лозим | 25 | 19 | 25 | 15 | 25 | 25 |
| | | Машина механизмлари, тех паспортлари нусхаси, кичик механизмлар | 25 | 20 | 25 | 22 | 25 | 20 |
| | | Пудратчининг иш тажрибаси (гувохнома) ,ташкил топган йили(асл нусхаси) | 25 | 25 | 25 | 23 | 25 | 23 |
| | Жами йиғилган баллар | | 100 | 87 | 100 | 85 | 100 | 91 |
| | Уртача белгиланган бал | | 78.3 | | 76.5 | | 81.9 | |
| | Жами молиявий баллар | | 9,77 | | 9,57 | | 10,00 | |
| | Якуний баллар | | 88,07 | | 86,07 | | 91,9 | |

Юқоридаги жадвалдан келиб чикиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Ушбу маблағларнинг самарали ишлатилиши учун Янгиер шаҳар Халк таълими булими танлов комиссияси аъзолари томонидан ETENDER.UZEX.UZ танловига қуйилган талабларнинг бажарилиши, томонларнинг белгиланган муддатларда эътироз билдирилмаганлигини ҳисобга олиб "DAVR KELAJAK YANGIYER " МЧЖ нинг таклифи маъкул келганлиги, белгиланган муддатда ва сифатли бажарилишини инобатга олиб " DAVR KELAJAK YANGIYER " МЧЖ танлов ғолиби деб топилиши ва шартнома тузилиши максадга мувофиқ деб топилди

Комиссия раиси — Ф. Худойназаров

Аъзолари — М. Байқулова
Ж. Қузибоев
З. Абдурохмонов
А. Нуриллаев

**204550 лот юзасидан шаклланган дастлабки баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана: 14.12.2022 18:05

Комиссия раиси: XUDOYNAZAROV FAYZULLA XXX

## Молиялаштириш жадвали

Объект: Янгиер шаҳар "Бобур" маҳалласида жойлашган 9-сонли умумтаълим мактаб худудини темир панжаралар билан ураш

**Пудратчи ташкилот: "DAVR KELAJAK YANGIYER" МЧЖ**

| Молиялаштириш шартлари | Жами | 2022 йил | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | апрел | май | июн | июл | август | сентябр | октябр | ноябр | декабр |
| Шартнома бахосининг 30% микдорида аванс | 68 100 000 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 68 100 000 |
| Бажарилган авансни кайтарган холда бажарилган ишларнинг 100% микдорида молиялаштириш | 158 900 000 | | | | | | | | | 158 900 000 |
| Жами | 227 000 000 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 0 | 227 000 000 |

Буюртмачи:

Янгиер шаҳар ХТБўлими

Пудратчи:

DAVR KELAJAK YANGIYER МЧЖ:

## ГРАФИК ПРОИЗВОДСТВА РАБОТ

Объект: Янгиер шаҳар "Бобур" маҳалласида жойлашган 9-сонли умумтаълим мактаб худудини темир панжаралар билан ўраш

Пудратчи ташкилот: " DAVR KELAJAK YANGIYER" МЧЖ

| Наименование види работ | Ед.из | обём работ | Стоимост единицы обёма | | | | Всего стоимост |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | октябр | ноябр | декабр | |
| Янгиер шаҳар "Бобур" маҳалласида жойлашган 9-сонли умумтаълим мактаб худудини темир панжаралар билан ўраш | обект | 1 | 227 000 000 | 0 | 0 | 227 000 000 | 227 000 000 |
| Жами | | | 227 000 000 | 0 | 0 | 227 000 000 | 227 000 000 |

Буюртмачи:

Янгиер шаҳар ХТБўлими ____________

Пудратчи:

DAVR KELAJAK YANGIYER МЧЖ: ____________

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

YL2274143531

**1.** Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **9-sonli maktab xududini temir panjaralar bilan o‘rash**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: YANGIYER SHAHAR XALQ TA'LIMI BO'LIMI tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yangier shahar yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**D.T.XAYTALIYEV**

16.12.2022